# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 27 март, №68 (3180) Пайшанба

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

*Аввал хабар қилинганидек, 24 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова бошчилик қилмоқда.*

*26 март куни депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.*

Ишчи гуруҳининг раҳбари йиғилишни очар экан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритиш мўлжалланаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар, мамлакатимизнинг икки палатали парламентига сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳаси, 2002 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқиладиган навбатдаги парламент сессиясининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Сессияни юксак сиёсий, ташкилий савияда, депутатларнинг самарали ишлашлари учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Сессиянинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари бу муҳим тадбирга қанчалик пухта тайёргарлик кўришига боғлиқдир. Ишчи гуруҳининг раҳбари сессия муҳокамасига киритилаётган барча ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш бугунги куннинг асосий вазифаси эканлигига ҳам эътиборни қаратди. Мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органининг бўлғуси сессияси билан боғлиқ бошқа бир қатор масалаларни ҳал этиш зарурлигини унутмаслик кераклиги ҳам қайд этиб ўтилди.



Депутатлар ишчи гуруҳининг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг раиси М. Сафаева бошчилигидаги биринчи кичик гуруҳнинг асосий вазифалари Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ўз вақтида тайёрланишини, сессия материаллари депутатларга олдиндан юборилишини таъминлашдан, норматив ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушган таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришдан иборат.

Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов бошчилигидаги иккинчи кичик гуруҳ журналистларни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этади, парламент сессиясига тайёргарлик ва сессия иши оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишини, «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини, ялпи мажлислар иштирокчиларининг маъруза ва нутқлари тўғридан-тўғри, синхрон таржима этилишини таъминлайди.

Учинчи кичик гуруҳ депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббий, маиший, маданий ва бошқа хизматлар кўрсатилиши масалалари билан шуғулланади. Бу кичик гуруҳга Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси И. Қаландаров бошчилик қилади.

Депутатлар ишчи гуруҳининг аъзолари бўлғуси ишларнинг режасини батафсил муҳокама этдилар ҳамда сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир турли масалалар юзасидан ўз таклифларини билдирдилар. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари қилинган ишлар тўғрисида мунтазам ҳисоб бериб боришлари, тайёргарлик асносида чиқиб қоладиган масалалар юзасидан фикр алмашишлари ҳамда бир-бирларига зарур амалий ёрдам кўрсатишлари тўғрисида қарор қабул қилинди.

*26 март куни Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» марказида мамлакатимиз Президенти совринлари учун республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 41 нафар мулк эгаси «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши ҳунарманд» номинациялари бўйича беллашдилар.*

## ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ




– Саккиз йилдан бери ушбу тадбир ўтказиб келинмоқда, – дейди республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Музаффарбек Собиров. – Унинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлмоқда. Аввало, ўзимизда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозорни тўлдиришга ёрдам бериб қолмай, импорт ўрнини босувчи, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган товарлар хорижга экспорт ҳам қилинмоқда. Энг муҳими, бундай маҳсулотлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқарилаяпти.



Биз Бухоро шаҳридаги «OFS» кичик корхонаси фаолияти билан қизиқдик. Унинг ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин ўтган даврда жамоа томонидан ишлаб чиқарилаётган костюм-шимлар харидорларга манзур бўлди. Айни пайтда корхонанинг битта савдо дўкони, иккита буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган шохобчаси бор. Маҳсулотларни экспорт қилиш учун Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари билан музокаралар олиб борилаяпти.

– Мақсадимиз ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб улуш қўшиш, – дейди кичик корхона раҳбари Олим Фозилов. – Режаларимиз катта. Яқинда юз иш ўрнига эга бўлган, замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги цехни ишга тушириш ниятидамиз. Маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини дунё андозалари даражасига етказишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодийислоҳотлар амалга оширилаётган дастлабки йилларда Президентимиз «Фермерлар – ислоҳотнинг биринчи қалдирғочлари» деган эди. Бугун уларга билдирилган ишонч ўз исботини топди. Буни Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мамлакатимиз мустақиллиги билан тенгдош мазкур корхонада айни пайтда 250 бошдан ортиқ қорамол парвариш қилиниши билан бирга қишлоқ хўжалик хомашёлари қайта ишланмоқда ва қандолат ҳамда нон маҳсулотлари тайёрланаяпти.

– Ўтган йилни 50 миллион сўмдан ортиқ соф фойда билан якунландик, – дейди фермер хўжалиги бошлиғи Имомали Назаров. – Иқтисодий кўрсаткичлар йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти. Ҳозир жамоада 100 дан ортиқ киши иш билан банд.

Бундай ижобий мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Танлов якунида ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлашди.

«Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича Тошкент шаҳридаги «ПГС» хусусий корхонаси раҳбари **Полянте Свешников**, «Энг яхши фермер» – Андижон вилоятининг Андижон туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги бошлиғи **Ҳабибулла Махсумов**, «Энг яхши ҳунарманд» деб эса Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги ёғоч ўймакорлиги устаси **Абдуғани Абдуллаев** эълон қилинди. Уларнинг ҳар бирига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Матиз» автомашинаси топширилди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА:** ***танлов жараёнидан лавҳалар.***

Бугуннинг гапи

## КИМНИ АЛДАЯПСИЗ?

*Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида республикамизга кўплаб миқдордаги товарларнинг ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан олиб кирилаётгани хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деди: «Бизнинг мақсадимиз, биринчи навбатда, мамлакатимизга усти ялтироқ, ичи қалтироқ, сифати паст товарлар, жумладан, истеъмол қилиш муддатлари ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб кирилишига тўсиқ қўйишдир. Бу масалада, бутун дунёда бўлганидек, божхона текширувини, давлат хазинасига тегишли солиқ ва божлар тўланишини таъминлашдир».*

Ташвиш ва куюнчаклик билан изҳор этилган ушбу сатрлар ўзини шу юрт, шу заминнинг фуқароси ва фарзанди деб ҳисоблайдиган бирорта инсонни ҳам бефарқ қолдирмайди, албатта. Нимага деганда, Президент бор гапни дангалига, очиқ-ойдин айтди: контрабандага тўсиқ қўйиш, давлат хазинасига тегишли солиқ ва божлар тўланишини таъминлаш – бу давлат сиёсати, яъни ҳар иккала масала бугунги куннинг энг муҳим вазифаси! Бу борада қонун бузилишига асло йўл қўйилмайди!

Ана шу кўрсатма ва йўл-йўриқларнинг мазмун-моҳиятини сизу биз қалбдан ҳис қилишимиз ва албатта унинг ижросига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур. Ҳозирда ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдиришда юзага келган ташвишли аҳвол, қолаверса, ўз ривожланишининг ўтиш босқичида турган мамлакатимиз иқтисодиёти ҳолати айни шуни тақозо этмоқда.

Бироқ, афсуски, «Гуруч курмаксиз бўлмас» деганларидек, четдан олиб келинаётган ана шундай сифати паст моллар билан олибсотарлик қилиб, шунинг ҳисобига кун кечираётган айрим кимсалар ҳамон орамизда яшаётганини қандай изоҳласа бўлади? Ёки бўлмаса, божхона масканларини четлаб ўтиб, бож ва солиқ тўламасдан, энг ёмони – маҳсулотларнинг таркиби ва сифатини текширтирмасдан, уларни юртимиз ҳудудига олиб кираётган баъзи бир учарларнинг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин?

Ургут тумани давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Ғайрат Абдураҳмоновнинг айтишича, Сатанг қишлоғида яшовчи Умид Каримов «Янги бозор» акциядорлик жамияти ҳудудидаги расталардан бирида савдо қиларди. Унинг фаолияти ўрганилганда, бунга тегишли гувоҳномаси йўқлиги аниқланди. Устига устак, сохта тадбиркор Хитойдан келтирилган 635 минг 600 сўмлик сертификатсиз газламани сотаётган эди. Шу боис саноат матоларининг ҳаммаси ҳужжатлаштирилган ҳолда давлат ҳисобига ўтказилди. Суд қарорига кўра эса, унга 45 минг 350 сўм миқдорида жарима ҳам солинди.

Солиқчилар, шунингдек, шу бозорда танда қўйган яна бир сохта тадбиркор – булунғурлик Шаҳло Сувонқулованинг қилмишини ҳам фош этишди. У умумий қиймати 708 минг 700 сўмлик 9 турдаги Хитой товарини пуллаётган эди. Сифат сертификати йўқлиги учун бу товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шунча миқдордаги молидан ажралган Шаҳлохон эса яна 31 минг 745 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Булар, холисанилло айтганда, инсофсиз ва ғурурсиз кимсалар эмасми? Агар Ғайрат Абдураҳмонов ва Шаҳло Сувонқуловаларда инсоф ва ғурур бўлганида эди, ўйлаймизки, иккаласи ҳам сифатсиз маҳсулотларни ҳамюртларига сотишни ўзларига раво кўрмас эди. Ва албатта мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда фаолият юритарди. Ачинарлиси, миллий валютамиз – сўмимизни ўзга давлатлар ғазнасини бойитишга сарфламасдан, балки топган-тутганларини ўзимизда бирор кичик корхона ва хизмат кўрсатиш шохобчаси барпо этишга ишлатарди. Ахир, тўғри, ҳалол ва саховатли фуқароларимиз шундай қилишаяпти-ку! Бу билан улар эл олқишини олишаяпти-ку!

Агар наманганлик Насрулло Сайфуллаевда ҳам инсоф ва ғурур бўлганида борми, қўшни мамлакатда тайёрланган нақ 55 миллион 885 минг 770 сўмлик сифатсиз матоларни ҳудудимизга яширинча олиб ўтишга уринармиди? Айтайлик, унинг йўлига ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ғов бўлмаганда эди, ана шу усти ялтироқ, ичи қалтироқ товарларни кимга сотарди? Албатта, қариндош-уруғлари, қўшнилари ва шаҳар аҳлига! Инсофсизлик шунчалик бўладими?! Инсоннинг кўрки ва шаъни бўлмиш ғурур деган фазилат шу қадар топталадими?! Майли, улар «Бозор шароити.... Тирикчилик шунга мажбур қилди» деб ўзларини оқлашар. Аммо бор-будидан айрилгани етмай, қонунга хилоф равишда иш тутгани учун маҳалла-кўй олдида шармандаю шармисор бўлган ана шу ота-оналар энди маҳалладошлари кўзига қандай қарайдилар? Бола-чақалари эса уларга қай тарзда муносабатда бўладилар.

Мен шулар ҳақида танишим – кекса отахон Жўра Назаровга айтиб берганимда, у лўнда қилиб бундай деди:

– «Инсофсизнинг иймони, ғурурсизнинг макони бўлмайди» деган нақл бор, эшитганмисиз? Сиз тилга олган шахслар – аслида йўлдан озганлар. Улар қилғиликни қилиб қўйибдими, энди пиширган ошларини ўзлари еяверсин! Сизу бизни, фарзандларимиз ва невараларимизни эса, илоҳим, иймон ва ғурур тушунчалари сираям тарк этмасин!

Бу гапларга қўшимча қилиш ортиқча. Бугун тўғри йўлдан адашиб, ана шу туйғулардан мосуво бўлганларга эса Юртбошимизнинг мана бу сўзларини яна бир карра эслатиб қўйишни лозим топдик: «Биз, баъзи бир қолоқ мамлакатларга ўхшаб, эртага аҳолимизнинг аксарияти четдан олиб келинадиган сифати паст моллар билан олибсотарлик қилиб, шу ҳисобдан кун кўрадиган ва шунга тобе бўлиб қоладиган вазиятнинг вужудга келишига йўл қўя олмаймиз. Бундай қарашларни қўллаш эртанги униб-ўсиб келаётган авлодимизга нисбатан жиноят бўлур эди».

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

## Компьютер ва қонун

Кеча Олий Мажлисда «Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологиялари тараққиётининг ҳуқуқий асослари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунлар ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Марказий банк ва БМТнинг Ривожланиш дастури ташкил этишди.

Ҳозирги пайтда ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Мамлакат раҳбарияти ахборот-коммуникация технологияларининг миллий тараққиётдаги аҳамиятини ҳис этиб, уни жамиятнинг турли соҳаларига кенг жорий этиш бўйича ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари фикримизнинг исботидир.

Давра суҳбатида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари тараққиётининг аҳволи ва истиқболлари хусусида ўзаро фикр алмашилди. Парламент қўмита раиси И.Кочмарик, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов, агентлик бош директори ўринбосари А.Хўжаев ва бошқалар ахборот коммуникация технологиялари бераётган самаралар, унинг истиқболлари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Қонун яратишнинг узвий алоқадорлиги ва уйғунлашиши масалалари, ахборот коммуникация технологиялари ривожланишининг умумий муаммолари тингланди ва муҳокама қилинди. Ахборотлаштириш ва электрон рақамли дастхат, электрон-ҳужжат айлануви, электрон коммерция ва электрон тўловлар бўйича қонунлар лойиҳаларининг концептуал асослари кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратишни янада такомиллаштириш, қонунчилик негизларини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Жойлардан хабарлар

### Обод маҳалланинг кўркам гузари

**Ғаллаоролдаги Ўзбекистон ғаллачилик илмий-тадқиқот институтининг бу ердаги филиали жойлашган маҳаллани олимлар маҳалласи деб аташади.**

**"Обод маҳалла" йилининг дастлабки кунлариданоқ бу ерда замонавий гузар қурилиши бошланган эди. Яқинда туман аҳли маданият уйи, савдо ва маиший хизмат дўконлари, нуронийлар чойхонаси, спорт майдони, турли савдо расталари фаолият кўрсата бошлаган гузарнинг очилиш маросимида қатнашдилар.**

**Тўпланганлар ўзлари истиқомат қилаётган ҳар бир маҳалла гузарида бундай хизмат турларини ташкил этишни ният қилиб қўйишди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

### Ҳиндистон савдо кўргазмаси очилди

**«Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг Биллур залида Ҳиндистон савдо кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кўргазмани Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов ва Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Шарат Сабхарвал очди. Ҳиндистон савдо кўргазмаси Ҳиндистоннинг МДҲ давлатлари бўйича савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан уюштирилди.**

**Кўргазмада Ҳиндистоннинг Супер Инфософт Прайвет Лимитед, – JFK Интернейшнл, Шаан Дабур Индия Лимитед каби информацион технология, дори-дармон, тўқимачилик саноати йўналишларида фаолият юритаётган 14 та компанияси қатнашмоқда.**

**– Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад, – дейди Шарат Сабхарвал – санаб ўтилган соҳаларда алоқаларни янада кенгайтириш ва Ҳиндистон инвестицияларини Ўзбекистонга кириб келишига янги имкониятлар яратишдир.**

**Зебунисо НАИМОВА.**


ҚИШЛОҚДА ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР

"Халқ сўзи" назоратида

## Шаҳарга бориш шарт эмас

Газетамизнинг шу йилги 14 февраль сонида чоп этилган "Қишлоқда туғилган болалар" сарлавҳали мақолада Пахтаобод туманининг қатор қишлоқлари ҳамда мактабларида жисмоний тарбия ва спортга панжа орасидан қаралаётгани танқид қилинганди.

Шу муносабат билан Андижон вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў.ОХУНОВдан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, мақола 2003 йил 19 февраль куни Пахтаобод тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Х.Исмоилов ҳузурида туман спорт қўмитаси мутахассислари ва барча таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилган. 20 февраль куни эса вилоят халқ таълими бошқармасининг ҳайъат йиғилишида муҳокама қилинган.

Ҳайъат қарорига кўра, Пахтаобод тумани Халқ таълими бўлими мудири А.Холмирзаевга йўл қўйган камчиликлари кўрсатилиб, уларни бартараф этиш юзасидан назоратни кучайтириши лозимлиги уқтирилган. Вилоятдаги ҳамма шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларига мақолани кенгаш йиғилишларида ўрганиб чиқиб, мактаблардаги спорт майдончаларидан тўлақонли фойдаланиш, спорт тўгаракларининг мунтазам ишлашини назоратга олиш, таълим даргоҳларини малакали жисмоний тарбия ва спорт мураббийлари билан тўлдириб бориш вазифалари топширилган.




## Бош директор саволларга жавоб берди

26 март куни Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Бош директори Ўткир Очилович Холмуҳамедов ҳамда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари ўртасида телефон орқали бевосита мулоқот бўлиб ўтди. Икки соатдан кўпроқ давом этган ушбу мулоқот асносида 40 дан зиёд савол тушди. Агар Интернет ва факс орқали ҳам республикамизнинг турли ҳудудларида яшовчи аҳоли ва ташкилот раҳбарларидан кўплаб саволлар олинганини назарда тутсак, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси бугунги кунда энг долзарб йўналишлардан бири эканлиги аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, уй-жой коммунал хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда бирмунча ютуқларга эришилган бўлса-да, ҳали бу борада ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Ана шу муаммоларнинг аксарияти уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига тегишлидир. Сабаби аён: ҳозир бундай ширкатлар кўп қаватли уйларнинг 91 фоизини қамраб олган. Афсуски, уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш ва уларнинг ишини йўлга қўйишда белгиланган тадбирлар етарли даражада жадал олиб борилмаяпти. Устига устак, 1991 йилгача қурилган кўп қаватли турар жойларни капитал таъмирлаш, газ ва сув ўлчагич мосламаларини ўрнатиш ва иссиқлик билан таъминлашда ҳам камчиликлар учраб турибди. Бу ўз навбатида маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий коммунал хизмат бирлашмалари суст ишлаётганидан далолат беради.

Бош директор барча саволларга батафсил жавоб қайтараркан, ўз ваколати доирасида мавжуд муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришга ваъда қилди.

Бевосита мулоқотнинг тўлиқ баёни билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.

## Божхоначилар ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Хитой Халқ Республикаси Давлат бош божхона бошқармаси бошқаруви аъзоси Е Цзянь раҳбарлигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Парпиев билан мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг истиқболига оид, жумладан, ҳар икки давлат божхона хизматларининг самарали алоқалари кўламини янада кенгайтириш — божхона статистикаси ва қонунчилик ижроси соҳасида ҳамкорлик қилиш, кинология марказлари ўртасида тажриба алмашувни йўлга қўйиш, биргаликда семинарлар ўтказиш юзасидан фикрлашиб олинди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Саломатлик масаласига бағишланди

Маълумки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1996 йилдан бошлаб ҳар йили 24 март кунини "Силга қарши кураш куни" сифатида нишонлаб келмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистон бўлими ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари билан ўтказган мулоқот ҳам шу санага бағишланди.

Анжуман

Мулоқотда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Асадов мамлакатимизда сил касаллигига қарши кураш бўйича кўрилган тадбирлар тўғрисида сўзлади.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сил ўлим хавфи юқори бўлган 10 та касалликдан бири ҳисобланади, — дейди Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги бўлими раҳбари Арун Нанда. — Кейинги йилларнинг ўзидагина ер юзида 300 миллион киши сил билан касалланганлиги, касаллик ўта хавфли эканлигини кўрсатди. Бизнинг ташкилот юртингизда, айниқса, Қорақалпоғистон республикаси аҳолисига силга қарши курашда беғараз ёрдам кўрсатмоқда.

Тадбир иштирокчилари журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Долзарб мавзу

# Раҳбарки, юраги ёниб турмаса...

*Бундан тўрт ой муқаддам хизмат сафари билан Францияга борганимизда мамлакатнинг таниқли сенаторларидан бири Андре Дюлэ бизда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун борлигини эшитиб, ҳайратда қолган эди. "Ўзбекларда маҳалла деган ноёб идора борлигини билардим-у, аммо бундай қонун қабул қилинганлигини эшитмаган эдим. Биласизми, бу каби ҳуқуқий ҳужжат дунёнинг ҳеч бир давлатида йўқ", деган эди ўшанда жаноб А. Дюлэ.*

Аслида сенаторнинг ҳайратланишида асос бор. Негаки, дунё тажрибасида бошқарувнинг маҳалла институти илк бора Ўзбекистонда пайдо бўлгани каби, мазкур қонун ҳам жаҳон амалиётидаги ягона ҳуқуқий ҳужжатдир. Бугунги маҳалла ушбу қонун орқали ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Ҳатто халқимизнинг турмуш тарзи, хоҳиш-иродаси ва миллий хусусиятидан келиб чиққан бу жамоа демократия дарсхонаси сифатида ҳам баҳоланмоқда.

Айни пайтда маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бўғини сифатида қуйи ҳокимиятнинг баъзи вазифаларини муваффақият билан бажараётганлиги ҳаммамизга маълум. Ҳозирда мамлакатимизда 8142 та маҳалла, 112 та шаҳарча, 1331 та қишлоқ ва 141 та овул фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил мамлакатимиз Президенти томонидан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ва бу ҳақда Давлат дастури қабул қилинганлиги, очиғи, маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги мақомини янада мустаҳкамлади. Ушбу дастур маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг моддий базасини ривожлантириш каби етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўзида жамлаган. Дастурни тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, 950 та маиший хизмат шохобчасини ташкил этиш орқали 160 минг(!) янги иш ўрни яратиш, республикамиздаги 433 маҳаллада 2,6 минг километрлик газ тармоқларини барпо этиш, 436 маҳаллада 1720 километрлик сув қувурлари ётқизиш, 500 маҳаллададаги 1000 километрдан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш ҳам режалаштирилган.

Албатта, Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар шулардангина иборат эмас. Негаки, мазкур ҳужжатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларини ташкил этиш, кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш каби муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам белгиланган. Гап энди ана шу ҳуқуқий ҳужжат ижросини тўла-тўкис бажаришда. Шунда хорижликларнинг ҳайратига сабаб бўлган ўзини ўзи бошқаришнинг бу ноёб тизими янада ривож топиши шубҳасиз. Бунинг учун эса талаб қандай бўлса, унинг ижроси ҳам, ишнинг натижаси ҳам шундай бўлиши керак. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам қабул қилинган қонун ва дастурлар ижросини чала-ярим амалга ошириш ҳолатларига барҳам бериш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири, дея бежиз таъкидланмади.

Биз бу ҳақда алоҳида тўхталишимизнинг сабаби бор, албатта. Гап шундаки, таҳририятимизга ҳар куни айрим маҳалла раисларининг ноқонуний фаолияти билан боғлиқ шикоят хатлари келиб тушади. Уларнинг аксариятида фуқаролар йиғини раислари томонидан аҳолига ижтимоий ёрдам тайинлаш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда бир қанча қонунбузилишлар содир этилиб, давлат маблағлари ўзлаштирилаётганлиги айтилади. Жумладан, Денов туманидаги Ойбарак қишлоғида яшовчи Моҳира Бобоева «Тўрт нафар фарзандим бор. Аммо улар учун давлатимиз томонидан бериладиган нафақа пулларини бериш-бермаслик фақат маҳалла раисимизнинг хоҳишига боғлиқ. Мана, олти ойдирки, болаларимнинг нафақасига кўз тикиб ўтирибман. Нафақадан эса дарак йўқ. Маҳалла раисига қонуну қарордан гапирсангиз, энсаси қотади. Аниқроғи, писанд қилмайди. Нима қилишга ҳайронман», деб ёзса, Самарқанд шаҳридаги Спирин кўчаси 8-уйда яшовчи Инобат Нурматова таҳририятга юборган хатида ўз дардини қуйидагича баён этади: «Ижтимоий ёрдамга жуда муҳтожмиз. Ижарада яшаймиз. Болаларимга икки ёшгача тўланадиган нафақа пулларини олишга кўмаклашсангизлар. Чунки ўзимизнинг ҳаракатимиз зое кетаяпти».

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 17-уй, 54-хонадонда яшовчи Хуршида Ҳайитованинг ҳасратидан ҳам чанг чиқади.

— Уч нафар фарзандим бор. Улар ҳали 16 ёшга тўлмаган. Ўшаларга нафақа пули олиш ниятим бор эди. Шу мақсадда маҳалламиз раисига учрашдим, — деб ёзади у. — Аммо оқсоқолимиз менга шундай муомала қилдики, рости, борганимга пушаймон бўлдим. Наҳотки, ҳуқуқимни ҳам сўролмасам?

Афсуски, ҳали орамизда бундай маҳалла раислари анчагина топилади. Албатта, бу аҳвол одамни чуқур ўйга толдиради. Ахир, фуқароларга ёрдам бериш, улар қандай яшаётганлиги ҳақида бош қотириш маҳалла раисларининг ҳам бурчи-ку! Устига устак, «Обод маҳалла йили» дастурини амалга татбиқ этиш, рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Аммо муҳтож оилалар, норасида гўдаклар учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш пайида бўлган оқсоқолларга қандай ишониш мумкин?

Ўзингиз ўйланг, бошланган ислоҳотлар қачон тўла-тўкис амалга ошади? Жавоб битта: қачонки, масъул кадрлар унинг моҳиятини теран англашса, фидоий ватанпарвар бўлишса, қонун ва дастурлар ким учун, нима учун қабул қилинаётганлигини ўз тафаккур чиғириғидан ўтказа олишсагина, эзгу мақсадларга эришишимиз осон кечади. Раҳбарнинг юраги ёниб турмаса, ўзи ташаббускор бўлмаса, одамларни ортидан эргаштириб, уларнинг ишончини қозонолмаса, қонун ва дастурлар қоғозда қолиб кетаверади. Бугунги иш эртага қолса, уни амалга ошириш икки баробар зиёд куч талаб қилади.

Барчамизга аён, мамлакатимизда халқ ҳаётини янада яхшилашнинг энг устувор йўналишлари муайян йил олдига аниқ вазифа қилиб қўйилган. Шу маънода, Давлат дастури юрт, Ватан тақдири билан боғлиқ режаларни ўзида мужассамлаштиради. Модомики, шундай экан, бугунимиз ва эртамизга дахлдор бўлган ушбу ҳаётий масалага юзаки қарашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кичик корхонанинг катта ишлари

*Кейинги йилларда Бешариқ тумани ҳокимлиги кичик, ўрта бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Айни кунларда бу ерда ўнлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари фаолият юритаётганлиги бунинг самарасидир. Плёнка ишлаб чиқариш корхонаси — шулардан бири. Бу жамоа аҳли шу йилнинг ўтган ойларида Фарғона вилояти хўжаликларига чигит экишда қўлланиладиган 600 тоннадан зиёд плёнка етказиб берди. Бундан ташқари, корхонада халқ истеъмоли моллари ва турли ҳажмдаги полиэтилен қувурлар ҳам таёрланмоқда.*



**СУРАТДА:** ***полиэтилен қувур ишлаб чиқариш устаси Абдуқаҳҳор Парпиев.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ТАЙЁР!

*«Ўзбектелеком» телекоммуникация компанияси акциядорларининг йиғилишида 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, камида 51 фоиз акцияларни стратегик хорижий инвесторларга сотишга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишларга якун ясалди. Акциядорлар, шунингдек, республика Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилди.*

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори Ҳ. Муҳиддиновнинг ҳисоботида таъкидланганидек, ўтган йили мавжуд корхона ва филиаллар жамоаларининг куч-ғайратлари телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва янгилаб бориш, иқтисодий самарадорликка эришиш, хизмат сифатини янада яхшилашга оид аниқ вазифаларнинг ижросига йўналтирилди.



2002 йил ўрталарига келиб эса, тармоқ олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Телекоммуникация ходимларига қўйилаётган талабларга мувофиқ иш юритиш, тармоқни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, энг янги техника воситалари ҳамда илғор технологияларни ўзлаштириш учун фаоллик кўрсатиш ва юксак самарадорликка эришиш шулар сирасига киради. Бу топшириқлар ҳам уддаланди. Натижада ўтган йили компания томонидан аввалги йилдагига нисбатан 36,9 фоиз кўп телекоммуникация хизмати кўрсатилди. Бошқача айтганда, кўрсатилган хизмат 71,2 миллиард сўмдан ошди. Шуниси диққатга сазоворки, телекоммуникация ва Интернет электрон хизмат суръатининг ўсиши 79 фоизни ташкил этди ва анъанавий хизмат турлари ривожидан анча юқори бўлди. Компаниянинг ҳар бир ходими ҳисобига кўрсатилган хизмат аввалги йилдагига нисбатан 40 фоиз ўсди. Бевосита аҳолига кўрсатилаётган хизмат умумий хизматнинг 36,4 фоизига тенг бўлди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 4,2 пункт юқори демакдир. Ушбу рақамлар ўз навбатида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси корхоналари ва филиалларига нисбатан абонентларнинг ишончлари ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Шаҳарлараро ва халқаро алоқалар хизматини устувор даражада ривожлантириш йўли танланганлиги ҳам ўзини оқламоқда. Бундай хизмат умумий хизмат ҳажмининг 74,7 фоизини ташкил этди. Умуман, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар 16 фоизга кўпайди.



Ўтган даврда халқаро институтларнинг тавсияларига мувофиқ, компания структурасини такомиллаштириш, барча бўғинлар самарадорлигини ошириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Соф фойда 41,2 фоизга ортди. Республика тармоғида ишлаб турган телефон рақамлари сони 28 мингтага кўпайди, рақамли АТСлар эса 34,7 фоизга ошди. Бугунги кунда эса 2 мингта АТС 1897,4 мингта телефонга хизмат кўрсатмоқда. Шулардан 700 мингтаси рақамлидир. Халқаро линияларда 56 фоиздан кўпроқ ВОЛС қўлланилмоқда. Кудратли, юқори тезликдаги магистрал тармоқнинг 75 фоиз ускуна ва технологиялари замонавийдир.

Шунга қарамай, телекоммуникация тармоқлари ишида ҳали жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Айрим вилоят филиалларида ноўрин ва асоссиз харажатларга йўл қўйилмоқда, рентабеллик даражаси эса пасайиб кетаётир. Бундан ташқари, электрон техника ҳамда янги технологияларнинг имкониятларидан ҳамма жойда ҳам тўла фойдаланилмаяпти. Бир қатор вилоятлардаги тармоқларда 70-80 фоиз рақамли электрон АТС ва 100 фоиз шаҳарлараро электрон алоқа воситалари ишлаб турган бўлса-да, уларнинг самараси ҳали кутилган даражада эмас. Бунинг устига, хизмат сифати паст эканлиги тўғрисида абонентлардан ўринли эътирозлар келиб тушмоқда. Чет эл инвестицияларини жалб этиш ва компания акцияларини сотиш ишларида ҳам лозим даражада фаоллик ва ташаббускорлик сезилмаяпти.

Йиғилишда бошқа масалалар, жумладан, фойдани тақсимлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Олинган фойданинг учдан икки қисмини алоқа объектларини ривожлантириш ва замонавий техника билан қайта қуроллантириш, шу жумладан, CDMA андозасидаги тезкор алоқага қайта инвестициялашга, 5 фоизини заҳира жамғармасига, қолганини дивиденд сифатида тўлашга қарор қилинди. «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг Кузатув кенгаши ва ижроия органининг иши қониқарли, деб топилди. Бош директор Ҳ.Муҳиддиновнинг ваколати яна бир йилга узайтирилди.

«Ўзбектелеком» компанияси акциядорлари йиғилишида 2003 йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар ҳам белгилаб олинди. Хусусан, бу йил хусусийлаштириш ишлари, шунингдек, 51 фоиз акцияни сотиш учун чет эл инвестициясини жалб этишга асосий эътибор қаратилади. Амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, техникалардан фойдаланишни такомиллаштириш, хизмат сифатини яхшилаш, барча корхона ва филиалларнинг рентабеллилигига эришиш ҳисобига иқтисодий самарадорлик янада оширилади. Компьютерлаштиришни ривожлантириш дастурини амалга ошириш ва ахборот-коммуникация технологиясини жорий этиш, аҳолининг замонавий электрон хизматидан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш компаниянинг устувор вазифаси бўлиб қолади. Айни чоғда, уяли алоқа компаниялари билан ўзаро ҳамкорликда бўлиш, «Ўзбектелеком мобайл» тезкор алоқа корхоналари базасини ривожлантириш масалалари ҳам эътиборда бўлади.

**Анатолий КУДИНОВ.**

Қарор ва ижро

# Инсоф сари барака

*Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш, пировардида инсонлар учун муносиб яшаш ҳамда ишлаш шароитларини таъминлаб беришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларига кўра, бош ислоҳотчи бўлган давлатимиз ана шу мақсадга эришиш йўлида янгиланишлар ташаббускори, фуқароларни асосий ижтимоий ҳимояловчиси бўлиб келмоқда. Ва бунда давлат фаолиятининг мазмун-моҳияти адолат тамойилига асосланаётганлигини халқимиз теран ҳис этмоқда, ўзининг кундалик турмушида тобора ишонч ҳосил қилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги 154-, 2002 йил 13 ноябрдаги "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги 390-, 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 414-қарорлари мамлакатимиз аҳолисини айнан ижтимоий ҳимоялашга қаратилгандир. Жумладан, 154-қарорга асосан, жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан божхона тўловлари ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиб, бундай товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда уларнинг сотилиши, акс ҳолда, маҳсулотлар мусодара қилиниши белгилаб қўйилган. Тўғри-да, аҳолисининг қарийб 44 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил этадиган, демакки, ана шу истеъмол товарларининг мутаносиб равишдаги улуши нуфуснинг шу қатламига қаратилганлигини англайдиган давлат нима учун хориждан товарлар олиб келувчилардан ўз ҳудудига сифатли, тегишли ҳужжатларга эга молларни олиб киришларини талаб этишга ҳақли эмас?! Менимча, ўзини ҳурмат қиладиган, эртанги кунини ва келажак авлод тақдирини ўйлайдиган ҳар қандай давлат шундай сиёсат юргизади. Қани, бирон-бир ривожланган давлатга сифатсиз, истеъмолга яроқсиз, тегишли сертификатларга эга бўлмаган товарни олиб киришга уриниб кўринг-чи?! Ўша мамлакат остонасидаёқ товардан айрилиб, қандай борган бўлсангиз, шундай қайтиб келасиз, шунда ҳам мамлакатга кириш визасига эга бўлганингиз тақдирда. Акс ҳолда, ўзингиз ҳам кутмаган кўнгилсиз воқеаларга дуч келишингиз мумкин.

Ҳукуматимизнинг 390 ва 414-қарорлари эса юқори сифатли, рақобатбардош истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан юқори даражада тўлдириш, шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар механизмини такомиллаштириш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари йўлида ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқи ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида қабул қилинганки, бу муҳим ҳужжатлар ҳам халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизга ноқонуний йўллар билан кириб келаётган сифатсиз маҳсулотларни ушлаб қолиш, иқтисодий қўпорувчиликнинг олдини олиш борасида божхона, чегара ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Лекин, минг афсуски, айрим фуқаролар юқоридаги қарорлар аҳамиятини тўғри англаб олмаяптилар. Баъзи бир нопок кимсаларнинг четдан сифатсиз, истеъмолга умуман яроқсиз бўлган хориж маҳсулотларини турли ноқонуний йўллар билан республикамиз ҳудудига олиб киришга уринишлари ҳанузгача давом этмоқда.

Биргина Наманган вилояти миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, 2002 йил 1 июндан ҳозирга қадар сифатсиз, мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган товар-моддий бойликларни олиб киришга уриниш бўйича жами 3319 та ҳолат аниқланиб, 2624 нафар шахс ваколатли идоралар томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди. Суд ва ваколатли органлар қарорларига асосан, 399,6 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар давлат эгалигига ўтказилиб, уларни сотишдан тушган 340,6млн. сўмлик маблағнинг 303,7 млн. сўми бюджетга туширилди.

Майли, бу масаланинг иқтисодий томони, дейлик. Муаммонинг маънавий томони ҳам борки, ана шу ҳақда айрим фикр-мулоҳазаларни билдириш ўринли, деб ўйлайман.

Халқимиз ўз тарихини яхши билади: ўтмиши билан, бой маънавий ва маданий мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Буюк аждодларимиз Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ва бошқа алломаларимизнинг жаҳон илм-фани тараққиётига, ислом дини ривожига қўшган улкан ҳиссалари бутун дунё томонидан эътироф этилган. Ота-боболаримиз Буюк Ипак йўли орқали савдо-сотиқ ишларини оқилона тарзда олиб борганлар. Қайси юртда сифатли, харидоргир маҳсулотлар бўлса, ўшалардан харид қилганлар, ўзга юртларга ҳам энг сифатли молларини олиб бориб сотганлар. Энг асосийси, инсофли бўлганлар ва шунинг орқасидан барака топганлар. Халқимиз орасида "Инсоф сари барака" деган нақл ўша даврларда пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Лўнда қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти ва маънавият деган тушунчалар доимо ёнма-ён бўлган. Қаерда маънавият юксак бўлса, ўша ерда иқтисодиёт ҳам ривожланишини теран англаб етганлар.

Пайғамбаримиз (м.а.с) муборак ҳадисларида айтганларки, "Кимки бир айбли нарса айбини айтмай сотса, доимо Аллоҳнинг ғазабида бўлади ва фаришталар ҳам унга лаънат ўқийдилар", "Кимки сотиб олган молини пушаймон бўлиб қайтиб олиб келган одамнинг пулини қайтиб берса, қиёмат кунида Аллоҳ таоло уни адашган жойида тўғрилаб қўяди".

Шуларни ўйлаганда, "Гуруч курмаксиз бўлмас" деганларидек, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашга жалб этилганлар орасида онда-сонда бўлса-да, тамагирлик қилувчи, ўз шахсий манфаати йўлида моддий бойлик орттиришни кўзловчи нопок кимсалар ҳамон учраб турганлигини эслаб, куйиниб кетаман. Ўйлаб кўринг: бутун дунёда терроризм балоси тўла бартараф этилмаган айни замонда бугун сифатсиз хориж маҳсулоти мамлакатимизга осонликча олиб кирилса, эртага шундай йўл билан қурол-яроғ, портловчи моддалар кириб келмайди, деб ким кафолат бера олади? Наҳотки, 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган террористик ҳаракатларни тез унутган бўлсак? Шу ўринда бир оз эриш туюлса-да, яна бир бора муборак ҳадисдан қуйидаги иборани келтиришни лозим, деб билдим: "Ватан сарҳадларини бир кун ҳимоя этмоқ олтмиш йил нафл намозини ўқигандан дурустроқдир".

**Истиқлол Ўзбекистонимиз ва халқимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳар томонлама пухта ўйланиб, ўз тараққиёти ва истиқлоли йўлида олиб борилаётган қатъий ва мустақил ташқи сиёсат натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори кун сайин юксалиб бораётганлиги барчамизга фахр бағишлайди.**

Фуқароларимиз умумэътироф этилган тартиб-қоидалар асосида хорижий давлатларга эмин-эркин бориб келмоқдалар. Ўз навбатида юртимизнинг ўтмиши ва бугуни билан қизиқувчи чет эллик сайёҳлар, ишбилармонлар, сиёсатчию зиёлилар давлатимизга ташриф буюрмоқдалар. Халқимиз азалдан меҳмондўстлиги билан оламга маълум ва машҳур. Яхши ниятда келувчилар учун эшигимиз доимо очиқ. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа давлатлар каби бедарвоза эмас. Сифатсиз, истеъмолга яроқсиз, яроқлилик ва мувофиқлик белгиларига эга бўлмаган товарларнинг юртимизга турли ноқонуний йўллар билан олиб кирилишига, энг аввало, халқимизнинг ўзи йўл қўймайди. Чунки мустақиллигимизни асраб-авайлаб, обод ва озод Ватанни эртанги авлод қўлига эсон-омон топшириш бугун диёримизда яшаётган ҳар бир соғлом фикрли кишининг қалб амрига айланган.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида айрим қийинчиликларга дуч келиниши табиий, албатта. Қайси бир давлатда бу жараён осон кечган? Тўғри, ҳали ички истеъмол бозоримизни озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар билан тўлдириш, халқимиз учун энг зарур истеъмол молларини, шунингдек, экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш борасида ўз ечимини кутаётган баъзи масалалар мавжуд. Бозор қонунларини мукаммал ўзлаштира олмаётган айрим корхона, ташкилот раҳбарларининг уқувсизлиги ҳам бунга сабаб бўлаётир. Бироқ халқимиз ҳам, ҳукуматимиз ҳам бу муаммоларни яхши билади ҳамда уларни ҳал этиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Четдан кимдир келиб мавжуд муаммоларни ҳал этиб бермаслигини ҳам яхши биламиз. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, хомашё ҳудуди сифатида ҳар томонлама собиқ марказга маҳкам боғлаб қўйилган мамлакатимиз иқтисодиётини бир маромга келтириш учун маълум вақт талаб этилади. Мустақил давлатимизнинг муҳим белгиси бўлган миллий валютамиз — сўмнинг қадри баланд бўлиши учун, энг аввало, юқорида таъкидлаганидек, рақобатга бардошли маҳсулотларни ишлаб чиқаришимиз, бу маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб катта бўлишига эришишимиз, шу йўл билан мамлакатимизга кўплаб чет эл валютаси кириб келишини таъминлашимиз зарур. Бу эса миллий ғуруримиз бўлган сўмимизни ички конвертация қилиш имконини беради, халқимиз турмушининг янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

Ҳукуматимиз ана шу тадбирларни амалга ошириш дастурига эга, дастур мазмуни ва қабул қилинаётган қарорлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг халқ оммасига етказилаяпти. Уларнинг муваффақияти эса кўп жиҳатдан ҳалолликка, фидойиликка, Ватан тақдири учун бефарқ бўлмасликка ва адолатга боғлиқ. Адолат тушунчаси, энг аввало, раҳбарга қўйиладиган талаб. Давлатимиз раҳбари "Адолат биз қураётган жамиятнинг пойдевори бўлиши керак" деяётган ва ўзи адолат шамчироғини қўлида маҳкам ушлаб турган экан, юрт фуқароларидан ҳам ўз навбатида инсоф талаб этилади. Зеро, инсоф барака олиб келади.

**Зоҳиджон ВОҲИДОВ,**
**Наманган вилояти ҳокимлигининг гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди.**

27 март – Халқаро театр куни

# АББОС БАКИРОВНИНГ ШОГИРДИ

Бухоронинг сокин кўчалари бўйлаб борарканман, Садриддин Айний номидаги мусиқали драма ва комедия театрининг иқтидорли актёри Саломиддин Атоев талқинидаги бир қатор образлар кўз ўнгимда намоён бўлди...

XII аср. Кўҳна Бухоро. Даҳшатли қатл майдони. Чингизхон босқини остида қолган халқ бошига навбатдаги мусибат кўланка солган. Тўқтемирхон фармойишига биноан бир йўла 4 минг нафар бухороликнинг боши танасидан жудо қилиниши керак. Ҳа, Чингиз арзандаси Козахоннинг ўлими оддий халқ бошига ана шундай қимматга тушган.

Саҳна қоронғулик қаърига ботган. Томошабин кўз ўнгида хоннинг қаҳр-ғазабга тўлган башараси...

Дарҳақиқат, саҳна усталари томонидан у ёки бу образ феъл-атвори фақат хатти-ҳаракатлар билан эмас, балки ишонарли ҳис-туйғулар ва ички драматик кечинмалар орқали очиб берилгандагина ҳар қандай спектаклнинг муваффақият қозониши турган гап. Бухоро театрининг 80 йилдан ортиқроқ фаолияти давомида бундай саҳна асарлари талайгина. Драматург Й. Муқимовнинг юқоридаги лавҳа ўз мужассамини топган «Илоҳий висол» асари ҳам ана шундай спектакллар сирасига киради. Ушбу драмани саҳнага қўйган Ўзбекистон халқ артисти У. Бақоев мухлислар билан ўтказилган учрашувларнинг бирида шундай деган эди:

– Улуғ авлиё, тариқат илми асосчиларидан бири, улкан файласуф, зукко шоир Баҳоуддин Нақшбанд ва у яшаган давр ҳақидаги «Илоҳий висол» драмасида театримизнинг етук ижрочиларидан бири Саломиддин Атоев томонидан ўзига хос маҳорат билан талқин этилган Тўқтемирхон образи кўпчиликка маъқул бўлди. Эсимда, бундан анча йил олдин драматург Максим Каримовнинг «Инсонликка номзод» асарини саҳналаштирганимда актёр билан Қорабоев образи устида иш олиб борган эдик.

Шу ўринда олим ва шоир Садриддин Салим Бухорий билан бўлган мулоқотларнинг бири ёдга тушади.

– Биласизми, – деган эди Садриддин ака, – Бахшулла Ражабовнинг «Яллама ёрим» драмасини кўрдим-у ҳаяжонга тушдим. Айниқса, Саломиддин Атоев ижросидаги Одил ўқитувчи қалбимни ларзага солди. Кўнглим ўксиб йиғладим. Шу томоша баҳона Бухоро театрининг фахри ҳисобланган Аҳмад Файзиев ва Ҳаёт Наимовлар ўрнини боса оладиган етук актёр борлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдим.

Саломиддин Атоев Қоракўл туманидаги Аликахўжа қишлоғида туғилиб ўсган. Театрга бўлган ҳавас унинг қалбида ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ уйғонган. Шу боис, етуклик аттестати қўлига тегиши ҳамоно Тошкентга – ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институтига қараб йўл олган. Уни битиргач эса, Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга келган.

– Ўзбек театрининг таниқли намояндаларидан бири Аббос Бакировнинг ўшанда менга берган йўл-йўриқ ва кўрсатмалари бутун умрим давомида асқотиб келаяпти, десам, янглишмайман, – дейди у. – Ҳаётда ва саҳнада нимагаки эришган бўлсам, муҳтарам устозим туфайли деб биламан.

1978 йилда Атоевлар оиласи Бухорога кўчиб келгач, моҳир актёр вилоят театрида ўз фаолиятини давом эттирди. Юқорида эслатиб ўтганимиз – «Инсонликка номзод» драмасида ўйнаган роли сабаб бўлди-ю, бухороликлар уни анчагача Қорабоев деб атайдиган бўлишди. Шуларни эслаб у мийиғида кулиб қўяди ва дейди:

– Томошабинни ишонтира олган бўлсам, шунинг ўзи мен учун бахтдир.

Атоевлар оиласини кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода санъаткорлар хонадони сифатида ҳамма ҳурмат қилади. Саломиддин аканинг умр йўлдоши Сайёра Зоҳидова – мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Унинг ижросидаги ария ва дуэтлар, мусиқали драмалардан парчалар вақти-вақти билан Ўзбекистон радиосидан таралганда, Саломиддин Атоев иштирокидаги спектакль ва фильмлар (моҳир актёр ўзбек ва ҳинд киноижодкорлари томонидан яратилган «Али бобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильмида савдогар, «Қотил» видеофильмида эса тиллафуруш образларини яратган) телевидение орқали намойиш этилганда ўғил-қизлар-у, невараларнинг қалби бир олам қувончга тўлади. Санъаткор учун бундан ортиқ бахт йўқ.

**А. ИСТАМОВ.**



*Самарқанду Бухородаги, Хиваю Кешдаги асрлар тарихидан сўзлагувчи миноралар, ёдгорликлар ва барча осори атиқаларда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти мужассам. Хивалик уста Қўчор Маткаримов ана шу ёдгорликларни авайлаб-асрашда фидойилардан саналади. Негаки, уста юртимизнинг кўркига-кўрк қўшиб турган Самарқанддаги Имом ал Бухорий, Шаҳрисабздаги Оқсарой сингари бир қатор тарихий ёдгорликларни таъмирлашда иштирок этган. Унинг мўъжизакор қўлларида сайқалланган ёдгорликлар чинакам жозиба кашф этади. Айни кунларда ҳам у Хива шаҳридаги обидаларни таъмирлашда жонбозлик кўрсатаётир.*

**СУРАТДА:** ***уста Қўчқор Маткаримов иш устида.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ «НАВРЎЗ СОВҒАСИ» ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЮТУҚЛИ ОМОНАТИ БЎЙИЧА 2003 ЙИЛ 19 МАРТДА ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

*Давоми. Боши ўтган сонда.*

| ТАРТИБ РАҚАМИ | ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАР | БАНК МУАССАСАЛАРИ | ҲИСОБ ВАРАҚА | ЮТУҚ МИҚДОРИ (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 363. | Қашқадарё вилоят Ғузор филиали | 036 | НС1-1 | 1000 |
| 364. | Қашқадарё вилоят Ғузор филиали | 015 | НС1-48 | 1000 |
| 365. | Қашқадарё вилоят Ғузор филиали | 045 | НС1-5 | 1000 |
| 366. | Қашқадарё вилоят Ғузор филиали | 020 | НС1-40 | 1000 |
| 367. | Қашқадарё вилоят Китоб филиали | 056 | НС1 -1 | 1000 |
| 368. | Қашқадарё вилоят Ғузор филиали | 031 | НС1-21 | 1000 |
| 369. | Қашқадарё вилоят Касби филиали | амал.бўл. | НС1-40 | 1000 |
| 370. | Қашқадарё вилоят Ғузор филиали | 039 | НС1-47 | 1000 |
| 371. | Қашқадарё вилоят Муборак филиали | 04 | НС1 -6 | 1000 |
| 372. | Қашқадарё вилоят Китоб филиали | 010 | НС1 -1 | 1000 |
| 373. | Қашқадарё вилоят Баҳористон филиали | 01 | НС1-42 | 1000 |
| 374. | Қашқадарё вилоят Касби филиали | амал.бўл. | НС1-26 | 1000 |
| 375. | Қашқадарё вилоят Баҳористон филиали | 04 | НС1-4 | 1000 |
| 376. | Қашқадарё вилоят Муборак филиали | 02 | НС1-2 | 1000 |
| 377. | Қашқадарё вилоят Баҳористон филиали | 01 | НС1-28 | 1000 |
| 378. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 067 | НС1-15 | 1000 |
| 379. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 030 | НС1-22 | 1000 |
| 380. | Наманган вилоят Мингбулоқ филиали | 020 | НС1-9 | 1000 |
| 381. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 046 | НС1-36 | 1000 |
| 382. | Наманган вилоят Поп филиали | 009 | НС1-11 | 1000 |
| 383. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 052 | НС1-90 | 1000 |
| 384. | Наманган вилоят Поп филиали | 031 | НС1-14 | 1000 |
| 385. | Наманган вилоят Мингбулоқ филиали | 012 | НС1-12 | 1000 |
| 386. | Наманган вилоят Поп филиали | 053 | НС1-7 | 1000 |
| 387. | Наманган вилоят филиали | амал.бўл. | НС1-18 | 1000 |
| 388. | Наманган вилоят Поп филиали | амал.бўл. | НС1-4 | 1000 |
| 389. | Наманган вилоят филиали | амал.бўл. | НС1-40 | 1000 |
| 390. | Наманган вилоят Учқўрғон филиали | 005 | НС1-12 | 1000 |
| 391. | Наманган вилоят филиали | 032 | НС1-8 | 1000 |
| 392. | Наманган вилоят Поп филиали | 030 | НС1-6 | 1000 |
| 393. | Наманган вилоят филиали | 048 | НС1-2 | 1000 |
| 394. | Наманган вилоят Чортоқ филиали | 005 | НС1-12 | 1000 |
| 395. | Наманган вилоят филиали | 064 | НС1-52 | 1000 |
| 396. | Наманган вилоят Поп филиали | 046 | НС1-4 | 1000 |
| 397. | Наманган вилоят филиали | 072 | НС1-18 | 1000 |
| 398. | Наманган вилоят филиали | 090 | НС1-28а | 1000 |
| 399. | Наманган вилоят Учқўрғон филиали | амал.бўл. | НС1-16 | 1000 |
| 400. | Наманган вилоят филиали | 090 | НС1-68 | 1000 |
| 401. | Наманган вилоят филиали | 092 | НС1-53 | 1000 |
| 402. | Наманган вилоят Чортоқ филиали | 002 | НС1-5 | 1000 |
| 403. | Наманган вилоят филиали | 092 | НС1-74 | 1000 |
| 404. | Наманган вилоят филиали | 118 | НС1-13 | 1000 |
| 405. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | амал.бўл. | НС1-19 | 1000 |
| 406. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 009 | НС1-55 | 1000 |
| 407. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 009 | НС1-76 | 1000 |
| 408. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 009 | НС1-149 | 1000 |
| 409. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 009 | НС1-188 | 1000 |
| 410. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 013 | НС1-54 | 1000 |
| 411. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 015 | НС1-11 | 1000 |
| 412. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 030 | НС1-15 | 1000 |
| 413. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 032 | НС1-3 | 1000 |
| 414. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 046 | НС1-29 | 1000 |
| 415. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 047 | НС1-13 | 1000 |
| 416. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 052 | НС1-77 | 1000 |
| 417. | Наманган вилоят Янгиқўрғон филиали | 067 | НС1-14 | 1000 |
| 418. | Наманган вилоят Мингбулоқ филиали | 012 | НС1-4 | 1000 |
| 419. | Наманган вилоят Мингбулоқ филиали | 020 | НС1-8 | 1000 |
| 420. | Наманган вилоят Мингбулоқ филиали | 035 | НС1-21 | 1000 |
| 421. | Наманган вилоят Поп филиали | 009 | НС1-10 | 1000 |
| 422. | Наманган вилоят Поп филиали | 027 | НС1-2 | 1000 |
| 423. | Наманган вилоят Поп филиали | 031 | НС1-13 | 1000 |
| 424. | Наманган вило..т филиали | амал.бўл. | НС1-56 | 1000 |
| 425. | Наманган вилоят Поп филиали | 044 | НС1-6 | 1000 |
| 426. | Наманган вилоят Поп филиали | 053 | НС1-6 | 1000 |
| 427. | Наманган вилоят филиали | 064 | НС1-2 | 1000 |
| 428. | Наманган вилоят Учқўрғон филиали | амал.бўл. | НС1-9 | 1000 |
| 429. | Наманган вилоят Учқўрғон филиали | 005 | НС1-11 | 1000 |
| 430. | Наманган вилоят филиали | 072 | НС1-34 | 1000 |
| 431. | Наманган вилоят филиали | амал.бўл. | НС1-42 | 1000 |
| 432. | Наманган вилоят Чортоқ филиали | амал.бўл. | НС1-7 | 1000 |
| 433. | Наманган вилоят Чортоқ филиали | 005 | НС1-11 | 1000 |
| 434. | Наманган вилоят филиали | 092 | НС1-8 | 1000 |
| 435. | Наманган вилоят филиали | 048 | НС1-4 | 1000 |
| 436. | Наманган вилоят филиали | 099 | НС1-6 | 1000 |
| 437. | Навоий вилоят Конимех филиали | амал.бўл. | НС1-10 | 1000 |
| 438. | Навоий вилоят Қизилтепа филиали | 07 | НС1-10 | 1000 |
| 439. | Навоий вилоят Навоий филиали | 01 | НС1-4 | 1000 |
| 440. | Навоий вилоят Нурота филиали | 08 | НС1-2 | 1000 |
| 441. | Навоий вилоят Навоий филиали | 02 | НС1-13 | 1000 |
| 442. | Навоий вилоят Навоий филиали | 01 | НС1-6 | 1000 |
| 443. | Самарқанд вилоят Гўзалкент филиали | 04 | НС1-3 | 1000 |
| 444. | Самарқанд вилоят Гўзалкент филиали | 010 | НС1-5 | 1000 |
| 445. | Самарқанд вилоят Сиёб филиали | амал.бўл. | НС1-19 | 1000 |
| 446. | Самарқанд вилоят Сиёб филиали | 074 | НС1-19 | 1000 |
| 447. | Самарқанд вилоят Сиёб филиали | 074 | НС1-39 | 1000 |
| 448. | Самарқанд вилоят Сиёб филиали | 0145 | НС1-2 | 1000 |
| 449. | Самарқанд вилоят Нарпай филиали | амал.бўл. | НС1-14 | 1000 |
| 450. | Самарқанд вилоят Булунғур филиали | амал.бўл. | НС1-3 | 1000 |
| 451. | Самарқанд вилоят Темир йўл филиали | амал.бўл. | НС1-12 | 1000 |
| 452. | Самарқанд вилоят Темир йўл филиали | 098 | НС1-7 | 1000 |
| 453. | Самарқанд вилоят Боғишамол филиали | 0114 | НС1-5 | 1000 |
| 454. | Самарқанд вилоят Самарқанд филиали | амал.бўл. | НС1-1 | 1000 |
| 455. | Самарқанд вилоят Жомбой филиали | 02 | НС1-9 | 1000 |
| 456. | Самарқанд вилоят Пайшанба филиали | 08 | НС1-2 | 1000 |
| 457. | Самарқанд вилоят Пайшанба филиали | 049 | НС1-2 | 1000 |
| 458. | Самарқанд вилоят Жомбой филиали | амал.бўл. | НС1-8 | 1000 |
| 459. | Самарқанд вилоят Иштихон филиали | амал.бўл. | НС1-32 | 1000 |
| 460. | Самарқанд вилоят Пайшанба филиали | 06 | НС1-18 | 1000 |
| 461. | Самарқанд вилоят Пахтачи филиали | 04 | НС1-5 | 1000 |
| 462. | Самарқанд вилоят Пайшанба филиали | 022 | НС1-1 | 1000 |
| 463. | Самарқанд вилоят Челак филиали | 010 | НС1-7 | 1000 |
| 464. | Самарқанд вилоят Иштихон филиали | амал.бўл. | НС1-18 | 1000 |
| 465. | Самарқанд вилоят Нуробод филиали | 01 | НС1-1 | 1000 |
| 466. | Самарқанд вилоят Пахтачи филиали | амал.бўл. | НС1-7 | 1000 |
| 467. | Самарқанд вилоят Сиёб филиали | 074 | НС1-55 | 1000 |
| 468. | Самарқанд вилоят Челак филиали | 05 | НС1-4 | 1000 |
| 469. | Самарқанд вилоят Нарпай филиали | 012 | НС1-2 | 1000 |
| 470. | Самарқанд вилоят Гўзалкент филиали | 010 | НС1-7 | 1000 |
| 471. | Самарқанд вилоят Темир йўл филиали | 0121 | НС1-4 | 1000 |
| 472. | Самарқанд вилоят Сиёб филиали | 074 | НС1-41 | 1000 |
| 473. | Самарқанд вилоят Нарпай филиали | амал.бўл. | НС1-16 | 1000 |
| 474. | Самарқанд вилоят Темир йўл филиали | 098 | НС1-9 | 1000 |
| 475. | Самарқанд вилоят Самарқанд филиали | амал.бўл. | НС1-3 | 1000 |
| 476. | Сурхондарё вилоят Шўрчи филиали | 036 | НС1-18 | 1000 |
| 477. | Сурхондарё вилоят Қизириқ филиали | 10 | НС1-17 | 1000 |
| 478. | Сурхондарё вилоят Қизириқ филиали | 01 | НС1-6 | 1000 |
| 479. | Сурхондарё вилоят Қумқўрғон филиали | амал.бўл. | НС1-5 | 1000 |
| 480. | Сурхондарё вилоят Қумқўрғон филиали | 03 | НС1-8 | 1000 |
| 481. | Сурхондарё вилоят Қумқўрғон филиали | 24 | НС1-6 | 1000 |
| 482. | Сурхондарё вилоят Олтинсой филиали | амал.бўл. | НС1-8 | 1000 |
| 483. | Сурхондарё вилоят Олтинсой филиали | 05 | НС1-6 | 1000 |
| 484. | Сурхондарё вилоят Олтинсой филиали | 05 | НС1-26 | 1000 |
| 485. | Сурхондарё вилоят филиали | 07 | НС1-5 | 1000 |
| 486. | Сурхондарё вилоят Денов филиали | амал.бўл. | НС1-30 | 1000 |
| 487. | Сурхондарё вилоят Денов филиали | 23 | НС1-2 | 1000 |
| 488. | Сурхондарё вилоят Шеробод филиали | амал.бўл. | НС1-8 | 1000 |
| 489. | Сурхондарё вилоят Денов филиали | амал.бўл. | НС1-16 | 1000 |
| 490. | Сурхондарё вилоят Шўрчи филиали | 010 | НС1-22 | 1000 |
| 491. | Сурхондарё вилоят Денов филиали | 16 | НС1-2 | 1000 |
| 492. | Сурхондарё вилоят Ангор филиали | 07 | НС1-1 | 1000 |
| 493. | Сурхондарё вилоят Денов филиали | 39 | НС1-9 | 1000 |
| 494. | Сурхондарё вилоят Қизириқ филиали | 01 | НС1-22 | 1000 |
| 495. | Сурхондарё вилоят Шўрчи филиали | 010 | НС1-8 | 1000 |
| 496. | Сурхондарё вилоят Қумқўрғон филиали | 06 | НС1-8 | 1000 |
| 497. | Сурхондарё вилоят Шўрчи филиали | 036 | НС1-20 | 1000 |
| 498. | Сурхондарё вилоят Олтинсой филиали | 04 | НС1-8 | 1000 |
| 499. | Сурхондарё вилоят Қизириқ филиали | 01 | НС1-8 | 1000 |
| 500. | Сурхондарё вилоят Учқизил филиали | 01 | НС1-7 | 1000 |
| 501. | Сурхондарё вилоят Қумқўрғон филиали | 03 | НС1-10 | 1000 |
| 502. | Сурхондарё вилоят Олтинсой филиали | амал.бўл. | НС1-10 | 1000 |
| 503 | Сурхондарё вилоят Олтинсой филиали | 05 | НС1-28 | 1000 |
| 504. | Сирдарё вилоят Гулистон филиали | 014 | НС1-5 | 1000 |
| 505. | Сирдарё вилоят Боёвут филиали | 04 | НС1-10 | 1000 |
| 506. | Сирдарё вилоят Ховос филиали | амал.бўл. | НС1-4 | 1000 |
| 507. | Сирдарё вилоят Боёвут филиали | 03 | НС1-3 | 1000 |
| 508. | Сирдарё вилоят Оқолтин филиали | амал.бўл. | НС1-66 | 1000 |
| 509. | Сирдарё вилоят Боёвут филиали | амал.бўл. | НС1-24 | 1000 |
| 510. | Сирдарё вилоят Боёвут филиали | 04 | НС1-9 | 1000 |
| 511. | Тошкент вилоят Паркент филиали | амал.бўл. | НС1-6 | 1000 |
| 512. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | амал.бўл. | НС1-32 | 1000 |
| 513. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 016 | НС1-1 | 1000 |
| 514. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | амал.бўл. | НС1-52 | 1000 |
| 515. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | 018 | НС1-5 | 1000 |
| 516. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 021 | НС1-32 | 1000 |
| 517. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | 035 | НС1-1 | 1000 |
| 518. | Тошкент вилоят Зафар филиали | 05 | НС1-13 | 1000 |
| 519. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 01 | НС1-10 | 1000 |
| 520. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 031 | НС1-19 | 1000 |
| 521. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 10 | НС1-14 | 1000 |
| 522. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 17 | НС1-22 | 1000 |
| 523. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 17 | НС1-42 | 1000 |
| 524. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | амал.бўл. | НС1-61 | 1000 |
| 525. | Тошкент вилоят Қибрай филиали | 08 | НС1-11 | 1000 |
| 526. | Тошкент вилоят Қибрай филиали | 20 | НС1-18 | 1000 |
| 527. | Тошкент вилоят Қибрай филиали | 54 | НС1-45 | 1000 |
| 528. | Тошкент вилоят Пскент филиали | 017 | НС1-1 | 1000 |
| 529. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 011 | НС1-6 | 1000 |
| 530. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | амал. бўл | НС1-6 | 1000 |
| 531. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 01 | НС1-21 | 1000 |
| 532. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 01 | НС1-82 | 1000 |
| 533. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 011 | НС1-4 | 1000 |
| 534. | Тошкент вилоят Қибрай филиали | 53 | НС1-2 | 1000 |
| 535. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 047 | НС1-4 | 1000 |
| 536. | Тошкент вилоят Юқори Чирчиқ филиали | 04 | НС1-7 | 1000 |
| 537. | Тошкент вилоят Юқори Чирчиқ филиали | 14 | НС1-3 | 1000 |
| 538. | Тошкент вилоят Юқори Чирчиқ филиали | 19 | НС1-7 | 1000 |
| 539. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 01 | НС1-30 | 1000 |
| 540. | Тошкент вилоят Келес филиали | 012 | НС1-2 | 1000 |
| 541. | Тошкент вилоят Келес филиали | 016 | НС1-8 | 1000 |
| 542. | Тошкент вилоят Паркент филиали | амал. бўл | НС1-13 | 1000 |
| 543. | Тошкент вилоят Келес филиали | 021 | НС1-34 | 1000 |
| 544. | Тошкент вилоят Бўка филиали | амал. бўл | НС1-12 | 1000 |
| 545. | Тошкент вилоят Олмалиқ шаҳар филиали | амал. бўл | НС1-8 | 1000 |
| 546. | Тошкент вилоят Юқори Чирчиқ филиали | 04 | НС1-16 | 1000 |
| 547. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 06 | НС1-2 | 1000 |
| 548. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 011 | НС1-29 | 1000 |
| 549. | Тошкент вилоят Зафар филиали | 06 | НС1-5 | 1000 |
| 550. | Тошкент вилоят Бўстонлиқ филиали | 022 | НС1-1 | 1000 |
| 551. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 014 | НС1-43 | 1000 |
| 552. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 020 | НС1-9 | 1000 |
| 553. | Тошкент вилоят Қуйи Чирчиқ филиали | амал. бўл | НС1-3 | 1000 |
| 554. | Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳар филиали | 011 | НС1-44 | 1000 |
| 555. | Тошкент вилоят Келес филиали | 016 | НС1-17 | 1000 |
| 556. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 021 | НС1-24 | 1000 |
| 557. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 021 | НС1-46 | 1000 |
| 558. | Тошкент вилоят Ўрта-Чирчиқ филиали | амал.бўл. | НС1-68 | 1000 |
| 559. | Тошкент вилоят Зафар филиали | 03 | НС1-2 | 1000 |
| 560. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 031 | НС1-12 | 1000 |
| 561. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | 046 | НС1-5 | 1000 |
| 562. | Тошкент вилоят Зафар филиали | 39 | НС1-8 | 1000 |
| 563. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 011 | НС1-38 | 1000 |
| 564. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 13 | НС1-2 | 1000 |
| 565. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | амал.бўл. | НС1-54 | 1000 |
| 566. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 019 | НС1-1 | 1000 |
| 567. | Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ филиали | 035 | НС1-3 | 1000 |
| 568. | Тошкент вилоят Бўка филиали | 021 | НС1-55 | 1000 |
| 569. | Тошкент вилоят Қибрай филиали | 54 | НС1-2 | 1000 |
| 570. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 10 | НС1-16 | 1000 |
| 571. | Тошкент вилоят Ангрен филиали | 030 | НС1-3 | 1000 |
| 572. | Тошкент вилоят Оҳангарон филиали | 17 | НС1-44 | 1000 |
| 573. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 01 | НС1-37 | 1000 |
| 574. | Тошкент вилоят Қибрай филиали | 20 | НС1-20 | 1000 |
| 575. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 017 | НС1-46 | 1000 |
| 576. | Тошкент вилоят Пскент филиали | 019 | НС1-1 | 1000 |
| 577. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 01 | НС1-81 | 1000 |
| 578. | Тошкент вилоят Юқори Чирчиқ филиали | 04 | НС1-23 | 1000 |
| 579. | Тошкент вилоят Чиноз филиали | 01 | НС1-23 | 1000 |
| 580. | Фарғона вилоят Сўх филиали | 01 | НС1-1 | 1000 |
| 581. | Фарғона вилоят Тошлоқ филиали | амал.бўл. | НС1-4 | 1000 |
| 582. | Фарғона вилоят Марғилон филиали | амал.бўл. | НС1-9 | 1000 |
| 583. | Фарғона вилоят Қувасой филиали | амал.бўл. | НС1-1 | 1000 |
| 584. | Фарғона вилоят Қува филиали | амал.бўл. | НС1-2 | 1000 |
| 585. | Фарғона вилоят Қува филиали | 21 | НС1-7 | 1000 |
| 586. | Фарғона вилоят Фарғона шаҳар филиали | 028 | НС1–5 | 1000 |
| 587. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-13 | 1000 |
| 588. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-53 | 1000 |
| 589. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-73 | 1000 |
| 590. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-93 | 1000 |
| 591. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-153 | 1000 |
| 592. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-173 | 1000 |
| 593. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-213 | 1000 |
| 594. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | 05 | НС1-9 | 1000 |
| 595. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | 05 | НС1-29 | 1000 |
| 596. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | 015 | НС1-28 | 1000 |
| 597. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | 015 | НС1-48 | 1000 |
| 598. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | 015 | НС1-88 | 1000 |
| 599. | Фарғона вилоят Сўх филиали | амал.бўл. | НС1-8 | 1000 |
| 600. | Фарғона вилоят Марғилон филиали | 18 | НС1-5 | 1000 |
| 601. | Фарғона вилоят Охунбобоев филиали | амал.бўл. | НС1-8 | 1000 |
| 602. | Фарғона вилоят Учкўприк филиали | амал.бўл. | НС1-29 | 1000 |
| 603. | Фарғона вилоят Марғилон филиали | амал.бўл. | НС1-11 | 1000 |
| 604. | Хоразм вилоят филиали | амал.бўл. | НС1-39 | 1000 |
| 605. | Хоразм вилоят Гурлан филиали | амал.бўл. | НС1-29 | 1000 |
| 606. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 08 | НС1-12 | 1000 |
| 607. | Хоразм вилоят филиали | амал.бўл. | НС1-25 | 1000 |
| 608. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 016 | НС1-30 | 1000 |
| 609. | Хоразм вилоят Гурлан филиали | амал.бўл. | НС1-159 | 1000 |
| 610. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 026 | НС1-47 | 1000 |
| 611. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 07 | НС1-25 | 1000 |
| 612. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 016 | НС1-10 | 1000 |
| 613. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 026 | НС1-33 | 1000 |
| 614. | Хоразм вилоят филиали | амал.бўл. | НС1-18 | 1000 |
| 615. | Хоразм вилоят филиали | амал.бўл. | НС1-38 | 1000 |
| 616. | Хоразм вилоят Гурлан филиали | амал.бўл. | НС1-8 | 1000 |
| 617. | Хоразм вилоят Гурлан филиали | амал.бўл. | НС1-28 | 1000 |
| 618. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 07 | НС1-18 | 1000 |
| 619. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 08 | НС1-11 | 1000 |
| 620. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 016 | НС1-2 | 1000 |
| 621. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 016 | НС1-26 | 1000 |
| 622. | Хоразм вилоят Урганч филиали | амал.бўл. | НС1-47 | 1000 |
| 623. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 026 | НС1-26 | 1000 |
| 624. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 026 | НС1-46 | 1000 |
| 625. | Хоразм вилоят Қораул филиали | 14 | НС1-1 | 1000 |
| 626. | Хоразм вилоят Ҳазорасп филиали | 08 | НС1-20 | 1000 |
| 627. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-109 | 1000 |
| 628. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 107 | НС1-11 | 1000 |
| 629. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-133 | 1000 |
| 630. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-90 | 1000 |
| 631. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-196 | 1000 |
| 632. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 238 | НС1-68 | 1000 |
| 633. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-216 | 1000 |
| 634. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-171 | 1000 |
| 635. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-279 | 1000 |
| 636. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 353 | НС1-29 | 1000 |
| 637. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-299 | 1000 |
| 638. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0473 | НС1-10 | 1000 |
| 639. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 401 | НС1-10 | 1000 |
| 640. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | 080 | НС1-7 | 1000 |
| 641. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-76 | 1000 |
| 642. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | 0168 | НС1-9 | 1000 |
| 643. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 497 | НС1-36 | 1000 |
| 644. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | 0392 | НС1-4 | 1000 |
| 645. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-156 | 1000 |
| 646. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | 0550 | НС1-1 | 1000 |
| 647. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 526 | НС1-29 | 1000 |
| 648. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | 0104 | НС1-10 | 1000 |
| 649. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 378 | НС1-22 | 1000 |
| 650. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | 0136 | НС1-18 | 1000 |
| 651. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | амал.бўл. | НС1-6 | 1000 |
| 652. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | 0160 | НС1-2 | 1000 |
| 653. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 497 | НС1-22 | 1000 |
| 654. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | 0293 | НС1-13 | 1000 |
| 655. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 602 | НС1-11 | 1000 |
| 656. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0300 | НС1-10 | 1000 |
| 657. | Тошкент шаҳар Чилонзор филиали | амал.бўл. | НС1-24 | 1000 |
| 658. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 526 | НС1-15 | 1000 |
| 659. | Тошкент шаҳар Чилонзор филиали | амал.бўл. | НС1-44 | 1000 |
| 660. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0383 | НС1-8 | 1000 |
| 661. | Тошкент шаҳар Чилонзор филиали | 326 | НС1-11 | 1000 |
| 662. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 602 | НС1-34 | 1000 |
| 663. | Тошкент шаҳар Чилонзор филиали | 508 | НС1-1 | 1000 |
| 664. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0473 | НС1-25 | 1000 |
| 665. | Тошкент шаҳар Сирғали филиали | амал.бўл. | НС1-51 | 1000 |
| 666. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0215 | НС1-8 | 1000 |
| 667. | Тошкент шаҳар Сирғали филиали | 0443 | НС1-1 | 1000 |
| 668. | Тошкент шаҳар Ҳамза филиали | амал.бўл. | НС1-47 | 1000 |
| 669. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0352 | НС1-15 | 1000 |
| 670. | Тошкент шаҳар Ҳамза филиали | амал.бўл. | НС1-67 | 1000 |
| 671. | Тошкент шаҳар филиали | 317 | НС1-2 | 1000 |
| 672. | Тошкент шаҳар Ҳамза филиали | 0135 | НС1-7 | 1000 |
| 673. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0473 | НС1-11 | 1000 |
| 674. | Тошкент шаҳар Ҳамза филиали | 0213 | НС1-3 | 1000 |
| 675. | Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек филиали | 015 | НС1-1 | 1000 |
| 676. | Тошкент шаҳар Миробод филиали | 0240 | НС1-3 | 1000 |
| 677. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | амал.бўл. | НС1-1 | 1000 |
| 678. | Тошкент шаҳар Бектемир филиали | 0399 | НС1-8 | 1000 |
| 679. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | амал.бўл. | НС1-21 | 1000 |
| 680. | Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек филиали | 0370 | НС1-7 | 1000 |
| 681. | Тошкент шаҳар филиали | 0187 | НС1-1 | 1000 |
| 682. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 107 | НС1-4 | 1000 |
| 683. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 238 | НС1-1 | 1000 |
| 684. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-62 | 1000 |
| 685. | Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек филиали | амал.бўл. | НС1-54 | 1000 |
| 686. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 238 | НС1-61 | 1000 |
| 687. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 238 | НС1-81 | 1000 |
| 688. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 339 | НС1-20 | 1000 |
| 689. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-149 | 1000 |
| 690. | Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек филиали | 0357 | НС1-7 | 1000 |
| 691. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 353 | НС1-22 | 1000 |
| 692. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 358 | НС1-1 | 1000 |
| 693. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-235 | 1000 |
| 694. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-45 | 1000 |
| 695. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-69 | 1000 |
| 696. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-89 | 1000 |
| 697. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-315 | 1000 |
| 698. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-135 | 1000 |
| 799. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-149 | 1000 |
| 700. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 363 | НС1-170 | 1000 |
| 701. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | 0216 | НС1-9 | 1000 |
| 702. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-218 | 1000 |
| 703. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 378 | НС1-15 | 1000 |
| 704. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 401 | НС1-9 | 1000 |
| 705. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | амал.бўл. | НС1-14 | 1000 |
| 706. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | амал.бўл. | НС1-301 | 1000 |
| 707. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 497 | НС1-15 | 1000 |
| 708. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 497 | НС1-35 | 1000 |
| 709. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | 0168 | НС1-11 | 1000 |
| 710. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 526 | НС1-8 | 1000 |
| 711. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 526 | НС1-28 | 1000 |
| 712. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | 0436 | НС1-6 | 1000 |
| 713. | Тошкент шаҳар Юнусобод филиали | 0550 | НС1-3 | 1000 |
| 714. | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов филиали | 602 | НС1-27 | 1000 |
| 715. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | амал.бўл. | НС1-5 | 1000 |
| 716. | Тошкент шаҳар Чилонзор филиали | 0261 | НС1-1 | 1000 |
| 717. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | 0136 | НС1-20 | 1000 |
| 718. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0215 | НС1-1 | 1000 |
| 719. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0300 | НС1-9 | 1000 |
| 720. | Тошкент шаҳар Сирғали филиали | амал.бўл. | НС1-6 | 1000 |
| 721. | Тошкент шаҳар Яккасарой филиали | 0293 | НС1-15 | 1000 |
| 722. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0352 | НС1-8 | 1000 |
| 723. | Тошкент шаҳар Акмал Икромов филиали | 0383 | НС1-7 | 1000 |
| 724. | «Халқ банки» марказий операциялар филиали | | НС1-13 | 1000 |
| 725. | «Халқ банки» марказий операциялар филиали | | НС1-12 | 1000 |

***Г.М.Маруфова – ҳайъат раиси, Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари***

***С.С.Усмонов – ҳайъат раиси ўринбосари, «Халқ банки» Фарғона вилоят филиали бошлиғи***

***К.Ф.Мадраҳимов – масъул котиб, «Халқ банки» бошқаруви банк филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази директори***

*ОАК нинг шу йил 14-19 февраль кунлари бўлиб ўтган навбатдаги мажлисларида республикадаги ижтимоий фанлар намояндалари иштирокида шу йўналишдаги ихтисослашган кенгашлар бўйича 2002 йил натижалари муҳокама қилинди.*

# ФАН ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

## Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси илм-фанда йил якунларини кўриб чиқмоқда

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллиги ижтимоий фанлар ривожида туб бурилишларни вужудга келтирди, янги ҳаёт уларнинг олдига янги вазифаларни кўндаланг қўймоқда ҳамда бу вазифалар ечимига кенг йўллар очилди. Ҳозирги кунда ушбу илмий йўналишларда фаолият олиб бораётган мутахассис илмий кадрлар олдида тадқиқот ишларини замон талаблари даражасида қайтадан ташкил этиш, давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганларидай, ижтимоий фанларнинг Ватанимиз тараққиётига амалий хизмат қила олиш салоҳиятини таъминлаш каби муҳим вазифалар турибди.

Мажлисда фалсафа, тарих, ҳуқуқ, филология, педагогика ва психология, санъатшунослик йўналишларида фаолият кўрсатаётган ихтисослашган кенгашлар раҳбариятларининг ҳисоботлари тингланди. Ҳисоботларда бир йилда бажарилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ҳамда таклифлар ҳақида фикр билдирилди. Шу билан бирга, авторефератларда янгилик, долзарблик, мақсад ва вазифалар, хулосалар аниқ баён этилмагани мисоллар асосида кўрсатилди.

Ватанимиз ижтимоий фанлари доирасида тарих фани салмоқли ўрин тутади. Лекин тарих фани фақат воқеликларни баён этишдан, баёнчиликдан иборат бўлмаслиги керак. Тарих фани юз бераётган воқеалар, ривожланиш тамойилларини фанга дадил олиб кириши, уларни замонавий назарий-методологик асосларда таҳлил ва татбиқ этиб бориши лозим. Афсуски, тарих фани бўйича қилинаётган айрим ишларда сабаб ва оқибатларни кўрсатиб бериш масаласи етарли эмас.

Тарих фанлари бўйича ихтисослашган кенгашларда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳанузгача бир бирини муайян даражада такрорлайдиган мавзулар бўйича диссертациялар ҳимоя қилинган. Масалан, ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларидан бири “Туркистон Миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшунослигида” деб номланса, номзодлик диссертацияси “Туркистонда Миллий озодлик ҳаракати масалалари давр миллий матбуотида” деб номланади. Шунингдек, тадқиқотчилардан бирининг фан номзодлиги учун ҳимоя қилган илмий иши “XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-сиёсий ва миллий тараққийпарварлик ҳаракатларининг тарихшунослиги” мавзуида, бошқа тадқиқотчи эса “XX аср бошларида Туркистонда миллий-озодлик курашлари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Юқоридаги илмий ишлар мавзу ва масалалари жиҳатидан ўхшаш эканлиги изоҳга муҳтож эмас.

ОАК мажлисларида Ўзбекистон фалсафа фани соҳасида ўтган йили олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг якунлари ҳам таҳлил этилди.

Муҳокама пайтида фалсафа йўналишида иш олиб бораётган олимлар олдига қўйилган: “Файласуфларнинг бугунги кунда инсон тафаккурини ривожлантиришга ёрдам берадиган ишлари борми?” саволига аниқ жавоб бўлмади. Бу эса ўз навбатида, фалсафа фанига қарашнинг назарий-методологик асосларини қайтадан кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Маълумки, фалсафа жамият ва инсоннинг моҳиятини, ижтимоий тараққиёт ва комил инсон шахси шаклланишининг энг умумий тамойиллари тўғрисида баҳс юритадиган фандир ва у ўз навбатида миллий ғоя, миллий мафкуранинг шаклланиши учун ҳам назарий асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафа фанлари соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ичида шу жараёнга бағишланган ишларнинг камлиги ачинарлидир.

Ишларни ҳимояга қабул қилиш ва ўтказиш жараёнида ОАК “Низом”и талабларига амал қилмаслик ҳоллари мавжудлиги (Д.015.03.03 ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти Э.Иззетова докторлик диссертацияси мисолида) алоҳида қайд этилди. Айрим диссертацияларда илмий янгилик (Д.015.03.03 ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти Ф.Қосимова номзодлик диссертациясида) аниқ кўзга ташланмайди.

ОАК мажлисларида ҳуқуқшунослик фани соҳасидаги ихтисослашган кенгашлар фаолияти ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Бу йўналишдаги ихтисослашган кенгашларнинг фаолияти тўғрисида академик Ҳ.Раҳмонқулов, профессор У.Тожихонов ва профессор О.Ҳусановлар ҳисобот бердилар.

Муҳокама жараёнида маълум бўлдики, ҳуқуқшунослик фани йўналишида ҳимоя қилинган бир қатор диссертацияларда ҳам мавзуларнинг такрорланишига йўл қўйилган. Масалан, юридик фан соҳалари бўйича мавжуд ихтисослашган кенгашлардан бирида 2001 йилда “Абу Наср Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти” мавзуидаги номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. 2003 йилги иккинчи бир ихтисослашган кенгашда “Абу Наср Форобийнинг давлат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари” мавзусида номзодлик ишининг ҳимояси ўтказилган. Кўриниб турибдики, ҳуқуқшунослик фани соҳасида мавзуларни мувофиқлаштириш ва уларни экспертизадан ўтказиш ишига алоҳида эътибор қаратилиши шарт.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги ҳуқуқшунослик фанида ана шу соҳалардаги ислоҳотлар билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, афсуски, кам.

Мажлисда ҳуқуқшунослик фани йўналишидаги ихтисослашган илмий кенгашларнинг раҳбарлари диққат-эътибори илмий ишларда долзарбликни кучайтириш, илмий концепцияларнинг янгилигини таъминлаш, диссертацияларда қиёсий-илмий таҳлилларни чуқурлаштириш, илмий тадқиқотларни амалиётга татбиқ этишга эътиборни ошириш масалаларига қаратилди.

Филология фани йўналишлари бўйича республикамизда 8 та ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Ҳисоботлар юзасидан бўлиб ўтган муҳокама жараёнида бу йўналишда ҳам айрим диссертацияларнинг савияси замон талабларига жавоб бера олмаслиги, мавзуларнинг салмоғига эътиборни кучайтириш зарурлиги, илмий салоҳиятли кадрларни танлаш соҳада муаммо бўлиб қолаётганлиги, чоп этилаётган мақолаларда диссертация мазмуни тўлиқ акс этмаётганлиги, ҳимоя пайтида илмий баҳсларнинг етарли эмаслиги каби камчиликлар алоҳида таъкидланди.

Педагогика ва психология фанлари бўйича ҳимоя қилинган илмий ишларга хос энг жиддий камчилик шундаки, улар тажриба-синов натижалари билан мустаҳкамланмаган. Шунингдек, бу йўналишдаги ихтисослашган кенгашларнинг раҳбарлари ва аъзолари ўз зиммаларидаги масъулиятни етарли ҳис қилаяпти, деб бўлмайди. Чунончи, муҳокама пайтида Тошкент Давлат Педагогика университети ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш раиси муовини О.Мавлонов, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш раиси муовини Х.Ибрагимовлар ўзларида ҳимоя қилинган илмий ишларни синчиклаб ўқимаганликлари сабабли бу ишларга оид саволларга қониқарли жавоб бера олмадилар.

Санъатшунослик ва меъморчилик соҳаларида иш олиб бораётган ихтисослашган кенгашлар ҳам ОАК мажлисларида ҳисобот бердилар. Бу кенгашлар фаолиятига ҳам жиддий эътирозлар билдирилди. Жумладан, бу йўналишларда ҳам ўтган йил мобайнида ҳимоя қилинган ишлар орасида юқори савияда тайёрланган диссертациялар деярли йўқ. Санъатшунослик ва меъморчилик соҳаларида долзарб мавзулар стратегиясини ишлаб чиқиш бош вазифа бўлиб турибди.

ОАК ҳузурида ижтимоий фанлар ихтисослашган кенгашлари раҳбарлари билан ўтказилган бир неча кунлик таҳлилий йиғилишлардан кейин қуйидаги хулосаларга келинди: мустақиллик даврида ва ундан олдин яратилган диссертациялар ҳақида кўпқиррали маълумотлар банкини яратиш; диссертацияларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш; диссертациялардаги асосий тушунчалар, атамалар бўйича компьютер таҳлилини ташкил этиш; оппонентлар тақризларининг чуқур таҳлилини йўлга қўйиш; диссертацияларда кўтарилаётган масалалар ҳақида маълумотлар банкини тузиш; номзодлик имтиҳонларини қабул қилиш тартибини ўзгартириш; хорижий мамлакатларда бажарилган илмий ишларнинг маълумотлар банкини тузиш; илмий семинарлар ҳақидаги тартибини қайта кўриб чиқиш.

Шунчаки қайд этиш, таъкидлаш билан мақсадга эришиб бўлмаслиги, ҳаммага аён. Шунинг учун ҳам ОАК ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараб, келгусида амалга ошириш лозим бўлган ишларнинг аниқ режасини тузмоқда.

**Р. САЙФУЛЛАЕВА,**
**Н. МАЖИДОВ,**
**ЎзР Олий аттестация комиссияси масъул ходимлари.**

---

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

# ХАЛҚНИНГ РАНГИН ОЛАМИ

Улкан шоир ва жамоат арбоби Ғафур Ғулом бетакрор истеъдод соҳиби эди. Унинг шеъриятида арслон наърасини эслатувчи қудрат бор. Теран фалсафа бор. Шоир энг оддий нарса ҳақида ёзганда ҳам кенг қамровли фалсафий умумлашмалар чиқара олади.

Ғафур Ғулом ҳар жиҳатдан тўкис, жамики орзусига эришган ижодкор деса бўлади. Эл ҳурмати, давраларнинг тўри, унвонлар, нишонлар... Айни пайтда у занжирланган шерни ҳам эслатади. Ҳар бир сатрни ёзаётганида шўро сиёсатининг таҳдидли кўланкаси елкаси оша кузатиб турганини ҳис этиб қалам тебратишга мажбур бўлгани сезилади. Шу жиҳатдан бу аллома шоир кўп гапларни айтолмай кетгани ҳам рост...

Албатта, Ғафур Ғулом биринчи навбатда — шоир. Зўр шоир! Шу билан бирга, унинг насрий асарларини ўқиган китобхон адибнинг ичакузди ҳажвияларида, завқ билан ўқиладиган ҳикоя ва қиссаларида аллома истеъдодининг яна бир қиррасини топади. Уларнинг кўпчилиги Вақт синовидан ўтган ва яна узоқ яшайдиган асарлардир. Менимча, Ғ.Ғулом айнан насрий асарларини ёзаётганда елкасидан босиб турган юкдан бир оз халос бўлгандек туюлади. Қалби буюрганча, хоҳласа, кулиб, хоҳласа, истеҳзо қилиб, хоҳласа, йиғлаб қалам суради. Уларда ижодкор халқ ҳаётини, халқ тилининг минг бир жилосини мукаммал билиши аниқ кўринади.

«Шум бола» қиссасини олиб кўрайлик. Аслида бир етимнинг аянчли қисматини тасвирловчи бу асар қандайдир «муғомбирона» табассум билан ёзилган. Қиссани ўқиётиб ҳам куласиз, ҳам изтироб чекасиз. Ақалли бозор манзарасини олинг. Ўзбек бозорини Ғафур Ғуломчалик «кифтини келтириб» тасвирлай олган қаламкаш бўлмаса керак. Шовқин-сурон, «оби худойи» деб текинга сув тарқатаётган савобталаблар, «Ё оллоҳ дўст — ё оллоҳ», деб зикр тушаётган қаландарлар — ҳаммаси худди кино тасвири каби кўз ўнгингизга келади. Кўмир саройи олдидаги майдончада «тўй»ни томоша қилаётган Шум боланинг ҳолатини эсланг. Қўйнидан анор чиқариб, иккига бўлиб ейди. Шунда... боядан бери тантанавор ғартиллаётган карнай ҳам, нола чекаётган сурнайнинг ҳам овози ўзидан ўзи сусайиб, виқирлаб чиқа бошлайди. Нордон анор еяётган болани кўриб оғзи сув очиб кетган сурнайчининг сўлаги тўлиб қолган сурнайнинг уни ўчади. Кўса сурнайчи «ғийқ» этиб сурнай чалишни тўхтатади-да, болага ўшқиради: «Ҳой қиззаталоқ бола, чиқ даврадан, анорингни бошқа жойга бориб е!» Бунақа манзарани «ичидан тўқиб» чиқариш мумкин эмас. Уни тасвирлаш учун ўз кўзи билан кўриш, ҳатто ўз бошидан ўтказиш лозим. Аммо «ўз бошидан ўтказиш» ҳам камлик қилади. Халқ ҳаётининг икир-чикирларигача бу қадар ёрқин тасвирлаш учун истеъдод керак.

Ғафур Ғулом асарларида макон ва замон тушунчаси бениҳоя аниқ. Адиб бир оғиз сўз билан ўз қаҳрамонининг бутун таржимаи ҳолини тасвирлаб қўйиши мумкин. Бир сўз билан бир даврага баҳо бера олади. Бунга унинг талай насрий асарлари мисол.

Менга қолса, адиб ҳикоялари орасида «Менинг ўғригина болам» энг забардаст асарлардан бири, деган бўлур эдим. Ҳикоянинг фазилати шундаки, унда ўзбекнинг олами мана-ман деб кўриниб туради. Бир қарашда бу асар машҳур адиб О' Генрининг «Ҳамдардлар» ҳикоясини



**1958 йил. Ғафур Ғулом мухлислари даврасида.**
**Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

ёдга солгандек бўлади. О' Генри ҳикоясининг қаҳрамони — ўғри. Ғ.Ғулом ҳикоясининг қаҳрамони ҳам ўғри. Ҳар иккала ҳикояда ўғри билан уй эгаси апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Бироқ Ғ.Ғулом асарида бошқа бирон халққа ўхшамаган ўзбекнинг олами ярқ этиб кўринади. Нари борса, шапалоқдек келадиган бу ҳикояда қанчадан-қанча дард бор. Ғалати бағрикенглик бор. Ўқувчининг қалбини илитиб турадиган нур бор!

Шундай қилиб, куз кечаларидан бирида саксондан ошган кампир бу бевафо дунёнинг кулфатларидан уйқуси қочиб, нос чек-и-иб ўтирибди. Турмуши ночор. Вояга етмаган тўрт етимнинг қисматини ўйлаб оғир хаёлларга чўмган. Буни қарангки, шу пайт томда ўғри пайдо бўлади. Бошқа жой қуриб қолгандек, айнан кампирнинг рўпарасига келганда аксириб юборади. Кампир носини туфлаб ташлаб, унга дашном беради: «Ўғригина болам, касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими?» Ўғри ҳам томдан туриб кампирга дашном беради: «Бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тирикчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми?»

Шу тариқа гап-гапга уланиб, кампир тўрт етимнинг келажагини ўйлаб эзилаётганини, ўғри эса, замон оғирлашиб, ишсиз қолганини, иккита боласи, хотини, қари онасини қандай боқишни билмай шу йўлга кирганини айтади. Кампир бу хонадонда ҳеч вақо йўқлигини айтиб, ўғрига Каримқори, Одилхўжа, Матёқуббой деганларникига боришни маслаҳат беради. Ўғри бу маслаҳат жўяли экани, аммо ўша бойларникига боргудек бўлса, қўлга тушиши аниқлигини айтиб, ҳасрат қилади. Кампир унга чин дилдан ачинади: «Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммолекин эҳтиёт бўл, эл-юртнинг олдида тағин бадном бўлиб қолмагин!»

Кампир нима қилиб бўлса ҳам, ўғрининг ҳожатини чиқаришни ўйлайди. «Қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам... Ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик... Шундоқ катта, гуркираган хонадонда мана шу тўртта етим қолиб турибди. Э-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кетақол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам...» Ўғрининг жавобини қаранг! «Йўқ, йўғ-е, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади... Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин!»

Қизиқ, кампирнинг ўзи-ку «қоққанда қозиқ, осганда хурмача» бўлиб ўтирибди. Аммо ўғрининг «қутлуғ уйдан қуруқ кетиши»ни хоҳламайди. Ўғрининг жавобини қаранг! Оиласини боқолмай эгри йўлга киришга мажбур бўлган одам кампирга далда бераяпти. Етим ҳақини олишдан бош тортаяпти!

Кампир ўғрига ошхона ёнидаги тутдан сирғалиб тушиб, бир вақтлар боғдан келган ёнғоқ тўнкадан тараша учириб беришни сўрайди. Мақсад қумғон қўйиб, чой қайнатиб, уйдаги бор-йўғи иккитагина зоғоранинг бирини баҳам кўриш. Ўғри бу таклифга ҳам кўнмайди. «Йўғ-е, буви! Тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жудаям юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан».

Шу ўринда, айнан мана шу паллада ўзбекнинг олами ярқ этиб очилади! Кампир шу қадар бағрикенгки, борини шу бечора билан баҳам кўргиси келади. Ўғри шу қадар андишалики, кампир уни таниб қолишидан уялади. Шу қадар инсофлики, етимларни қақшатганидан кўра оч ўтиришни афзал кўради!

Ўқувчи ҳар иккала қаҳрамонни яхши кўриб қолади. Ҳар бир сўзига, ҳар бир имосига ишонади. Уларга беихтиёр ҳамдард бўлади ва ҳатто ҳаваси келади! Бундай вазиятни шу қадар кутилмаган йўналишда тасвирлаш учун катта, жуда катта, ноёб истеъдод керак!

Ғафур Ғуломда эса бундай истеъдод мўл-кўл эди...

**Ўткир ҲОШИМОВ.**

---


«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Корхона ва ташкилотлар диққатига!
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ
*пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади.*
1. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигининг Носиробод қишлоғини газлаштириш. Қуввати — 4,5 км. Қурилишни тугаллаш муддати 2 км. — 10.12.2003 й.
2. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, «Оқолтин» ширкат хўжалигининг Янги қишлоғини газлаштириш. Қуввати — 8 км. Қурилишни тугаллаш муддати 2 км. — 10.12.2003 й.

Буюртмачи: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 61-уйда жойлашган «Навоийгазтаъминот» шўъба корхонаси.
Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.
Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқларига ҳамда қобилиятга эга бўлишлари лозим.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —
Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 225-53-85.
*Бир тўплам (комплект) тендер ҳужжатларининг нархи — 15 минг сўм.*
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Навоий ш., Навоий к., 61-уй, соат 15.00да «Навоийгазтаъминот» шўъба корхонаси биносида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
бўш (вакант) кафедра мудири ва профессор-ўқитувчи лавозимларига битим асосида
танлов эълон қилади.



Информатика ва табиий фанлар — **кафедра мудири**, халқаро иқтисодий муносабатлар, диншунослик, исломшунослик кафедралари **доцентларига,** шарқ тиллари (2), ғарб тиллари, информатика ва табиий фанлар (1,5), демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедралари **катта ўқитувчиларига**, шарқ тиллари (2), ғарб тиллари (2), жисмоний тарбия, диншунослик, исломшунослик кафедралари **ўқитувчиларига.**
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
- *ректор номига ариза;*
- *ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари;*
- *илмий ишлари рўйхати.*

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.
Манзилимиз: Тошкент ш., А.Қодирий к., 11-уй, ТИУ кадрлар бўлими.
Телефон: 144-00-91, 144-00-56.

«AUDIT-SARDOR» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ:
- *молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ва аудиторлик хулосасини бериш;*
- *бухгалтерия ҳисобини юритиш ва тиклаш бўйича хизматлар;*
- *жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича маслаҳатлар бериш.*
*Сифат ва махфийлик кафолатланади.*
Манзил: 700123, Тошкент ш., Фарҳод к., 21-«А» уй («Ўзбалиқ» АК биноси).
Телефонлар: 76-84-04 соат 19.00дан кейин 170-22-61, 173-64-87.
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лицензияси № 00400 18.03.2002 йил

«КАМАЛАК» хусусийлаштириш инвестиция фонди
очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!
«Камалак» ХИФ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2003 йил 26 апрель куни соат 11.00да «Андижонмаш» ОАЖ (эски Машзавод) биносида ўтказилади.
КУН ТАРТИБИ:
1. «Камалак» ХИФнинг 2002 йилги молиявий натижалари юзасидан бошқарув компаниясининг ҳисоботи ва 2003 йил режаларини тасдиқлаш.
2. «Камалак» ХИФнинг 2002 йилги молиявий фаолияти натижалари бўйича аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. «Камалак» ХИФ аудиторини тасдиқлаш.
4. «Камалак» ХИФ устав жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йилдаги 3202-сонли Фармонига асосан ошириш.
5. Паспортларнинг алмаштирилиши сабабли ХИФ акциядорларини реестр бўйича қайта рўйхатдан ўтказиш.
6. «Камалак» ХИФнинг фойда тақсимоти ва дивидендларнинг ёзилишини тасдиқлаш.
Йиғилишда қатнашувчиларни қайд қилиш соат 9.30да бошланади.
Акциядорлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва сертификат, вакиллардан ишончномалар билан келишлари сўралади.
Маълумот учун телефонлар: 8 (3742) 24-41-00, 24-48-36.
Жамият кузатув кенгаши.


«Халқ сўзи» газетаси ва «Муштум» журнали таҳририятлари таниқли адиб Мақсуд Қориевга рафиқаси **МАРҒУБАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси Конституциявий суднинг катта эксперти Наргис Қориевага волидаи муҳтарамаси **МАРҒУБА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси жамоаси қўмитанинг «Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази» директори Акром Нуритдиновга волидаи муҳтарамаси **ЛАЗИФАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари, ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси «Ўзбек классик адабиёти» кафедраси профессори, филология фанлари доктори **Ғолима МУСИНА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» ОАЖ жамоаси лойиҳа бош муҳандиси Тельман Нурматовга волидаси **САОДАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 253. 34889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — Б. Остонақулов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.40 1 2 3 4 5 6